



# Жамоатчилик Кенгаши



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI ANGOR TUMAN KENGASHINING QARORI

190200, Angor q. Al-Hakim at-Termiziy ko'chasi 58-uy, tel.: 0(376) 31-21-860, telegram: (99) 678-99-38

2021-yil "7" июль

189/VI-31-son

Angor tumani

### Angor tumani hokimligi хузурнда "Жамоатчилик Кенгаши" тузиш тўғрисида

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмини ривожлантириш, очиклик, шафофлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида" 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони ижроси юзасидан, халқ депутатлари Ангор тумани Кенгаши

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш, уларнинг аҳоли олддаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида, жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш ҳамда Давлат дастурини амалга оширилиб боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш борасида, жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий вакиллик органларининг масъулиятини ошириш мақсадида Ангор тумани ҳокимлиги қошида "Жамоатчилик Кенгаши"ни тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Ангор тумани ҳокимлиги қошидаги "Жамоатчилик Кенгаши" таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар "Жамоатчилик Кенгаши"нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамоатчилик Кенгаши томонидан туманда Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан олиб борган мониторинг натижалари ҳақидаги ахборотни ҳар ойнинг якуни бўйича умумлаштирилган ҳолда аниқ кўрсаткичлар ва камчиликлар акс эттирилган ҳолда туман ҳокимига киритиш ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига ёзма ҳисобот тайёрлаш;

туманда аҳолининг умумий яшаш ва ислоҳотлардан қониқиш ҳосил қилаётганлик даражасини ҳамда давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг олиб бораётган ишлари устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

туман ҳокими томонидан кўрсатилган ва белгилаб берилган топшириқлар ҳамда кўтарилган масалалар бўйича жойларда ижрога маъсул бўлган ташкилот ва идора раҳбарлари томонидан топшириқнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда натижаси бўйича тўпланган маълумотлар юзасидан ҳар ойнинг якунида туман ҳокимига ахборот киритиб бориш.

4. Алоқадор бўлим ва ташкилотлар раҳбарлари “Жамоатчилик Кенгаши” томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳига жалб килинган ходимларни қонунда белгиланган тартибда иштирокини таъминласин.

5. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати ва “Ангор ёғдуси” газетаси таҳририяти (Г.Жумаева)га “Жамоатчилик Кенгаши” томонидан амалга оширилаётган мониторинг ишларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Туман сектор раҳбарлари, туман ташкилотлари раҳбарлари туманда “Жамоатчилик Кенгаши”нинг мониторинг ишларини *(телевидение ва босма, расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фикрлар ва мурожаатларни)* самарали олиб бориши учун тегишли шарт-шароитларни яратиб берсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни халқ депутатлари туман Кенгашининг Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (К.Эргашев) ва туман ҳокимининг ўринбосари (Ф.Умаров) зиммаларига юклансин.

8. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Ш.Абдуллаев



Халқ депутатлари Ангор тумани  
Кенгашининг 2021 йил 7 июль даги  
№ 189/VI-31 -сонли қарорига илова

Ангор тумани ҳокимлиги ҳузурдаги **Жамоатчилик**  
**Кенгаши аъзолари тарсиби**

**1-ГУРУҲ**

№	И.Ф.О	Лавозими	Изоҳ
1.	Маматмуродов Тошкентбой Чориевич	Туман Кенгаши депутати, <b>(ишчи гуруҳ раҳбари)</b>	
2.	Абилов Абдурасул Рашидович	Ангор тумани 3-сон умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
3.	Самандаров Чори Юлдашович	“Ангор Деҳқон (озиқ-овқат) мажмуаси” масъулияти чекланган жамият раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
4.	Неъматуллаев Азимжон Нурулаевич	Ўзбекистон Экологик партияси Ангор туман партия ташкилоти раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
5.	Кўчкелдиев Рўзи Пардаевич	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ангор туман Кенгаши ижрочи котиби, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
6.	Хўжанова Длафрўз Алламуродовна	Ангор тумани таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
7.	Тангриев Шухрат Собирович	Қизил Ярим ой жамияти Ангор туман ташкилоти ижрочи директори, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
8.	Жумаева Гавҳар Тоштемитровна	Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
9.	Рахимов Норбўта Хайитович	Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси туман Кенгаши раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	

(1 ва 2 сектор ҳудудлари)

**Ангор тумани хокимлиги хузуридаги Жамоатчилик  
Кенгаши аъзолари таркиби  
2-ГУРУХ**

№	И.Ф.О	Лавозими	Изоҳ
1.	Садатов Мустафо Менглиевич	Ангор тумани 25-сонли умумтаълим мактаби директори, <b>ишчи гуруҳ раҳбари</b>	
2.	Туропов Абдувоҳид Мажидович	Ангор тумани “Зартепа” маҳалла фукаролар йиғини раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
3.	Хаитов Азамат Ахмедович	Ангор туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими навбатчи шифокори, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
4.	Авазов Шавкат Сафарович	Ангор тумани 4-сон умумтаълим мактаби директори, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
5.	Тўхтамишов Шерали Жўраевич	Ангор тумани 27-сон умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
6.	Авазов Нодир Қўшоқович	Маънавият ва маърифат маркази Ангор туман бўлинмаси раҳбари, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
7.	Ахмедова Гулчехра Аскаревна	Ангор тумани Ахборот-кутубхона маркази директори, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
8.	Чориев Туйчи Файзи ўғли	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	
9.	Шобердиев Азим	Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгаши аппарати раҳбари, <b>ишчи гуруҳ аъзоси</b>	

(3 ва 4 сектор ҳудудлари)